

А.ГЕЛЕННИНГ АНТРОПОЛОГИК ҚАРАШЛАРИ

Бобомуротов Дустмухаммад
ТДСИ 2 курс талабаси

Илмий раҳбар: Л.С.Юлдашева
Ижтимоий фанлар Биоэтика курси билан кафедраси доценти

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада *Farb* фалсафасида антропологик масалаларнинг ёритилиши таҳлил қилинди. *Хусусан, Farb* фалсафасидаги антропология муаммолари *A. Гелен* дунёқараши, хусусан, биологик антропологияси мисолида кўрсатилган. Бундан ташқари, унинг ахлоқий қараашлари ҳам кенг ёритилган.

Калим сузлар: антропология, фалсафий қараашлар, маданият, таълимот, дуализм, маънавият.

ABSTRACT

This article analyzes the coverage of anthropological issues in Western philosophy. In particular, the problems of anthropology in Western philosophy are shown by the example of A. Gelen's worldview, in particular his biological anthropology. In addition, his moral views are also widely covered.

Keywords: anthropology, philosophical views, culture, doctrine, dualism, spirituality.

КИРИШ

Фалсафий антропология оқими XX асрнинг 20-йилларида шаклланди. Иккинчи Жаҳон уруши йилларида бу фалсафий оқим ривожи бироз сустлашди. Бу оқим инсон тугрисидаги назарий билимларни кайта куриб чикиш натижасида вужудга келди, Бу дунёқараашда инсон табиати янги фалсафий ечимини топди. Гельмут Плеснер фалсафий антропологиянинг дастурини яратишдаги хиссаси.

XX асрнинг биринчи ярмида бу оқим иррационал фалсафий қараашлар анъаналарини давом эттириди. Жумладан, экзистенциализм ва феноменология оқимларининг инсон хакидаги фикрларини бироз узгартириб, узига хос инсон фалсафасини ривож-лантириди.

60-йилларнинг охири 70-йилларнинг бошларида фалсафий антропология янгиланди. Бунда инсоннинг фалсафий антропология нуктаи назаридан каралиши, чегаралари кенгайтирилди, илмий асоси чукурлаштирилди. Бу оқим фикрича, инсоннинг табиати табиийлик холати чегарасидан чикиб кетади. Хозирдаги инсон мохиятининг тахлили табиат фанлари томонидан, руҳ

хакидаги фанлар хамда маданият хакидаги фанлар тажрибалари билан кенгайтирилмокда. Бундан ташкари, фалсафий-антропо- логик тахлил соҳаси олмон файласуфларининг «инсон хакидагифан», жисмоний антропология ва зоопсихология, америка маданий антропологияси хамда инглиз ижтимоий антропологияси каби янги оқимлар билан бойиди.

Фалсафий антропология оқимининг гоявий манбаи «хаёт фалсафаси»га асосланади. Хаёт фалсафасининг тамойиллари инсон табиатини «янги» антропологик тушунишда кулланилди. Шунинг натижасида фалсафий антропология асосий фанлар каторига күшилди. Бу оқимга биноан, инсон нафакат аклли мавжудот, унда биологик характердаги бошка кучлар хам мавжуддир. Инсон «хали тулик шаклланмаган хайвондир», «у биологик заарлидир», хайвоний хаётга мослашмаган, шунинд учун хам очик тизимдир, имконийатлари кенгдир . Бу фикрлар фалсафий антропологиянинг асосий коидалари ва элеменгларини ташкил етади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хозирги фалсафий антропологияни тушуниш учун унинг тарихига назар ташлаш лозим. Бу оқимнинг асосчилари Макс Шелер, Гельмут Плеснер хисобланадилар. Улар фалсафий антропологиянинг дастурини яратиб бердилар. Асосий тамойиллар, методологик-назарий асослар кейинчалик янада кенгайиб ривожланиб борди, хозирги кунда хам бу жараён узлуксиз давом этмоқда. Шунингдек, бу оқим ривожига узининг салмокли хиссасини күшган бир файласуф А.Гелен Хисобланади.

А. Геленнинг фалсафий-биологик антропологияси. Инсон «тулик булмаган» мавжудот сифатида. Инсон хаётининг онгсиз хаётий соҳасини устунлиги хамда Ницшенинг инсонни «якунланмаган хайвон» сифатидаги караши А.Гелен (1904-1976) фалсафий антропологиясининг таянч нуктаси булди. Гелен таълимотида биологик хусусиятлар устуворлик килади. У дастлаб инсоннинг табиий яний хайвоний инстинктларини, бу инстинктларнинг инсоннинг хаётий фаол характерига таъсирини урганади. Гелен инсон билан хайвон уртасидаги фаркни, улар биологик тузилишини солиштириш асосида курсатиб беради. Гелен Шелернинг хаёт билан рух дуализмидан воз кечади, лекин маънавий рухиятни факат инсонга хос хусусият эканлигини тан олади. Маънавият Гелен фикрича, хаётдан ташкаридаги бошлангич эмас, балки инсон табиатининг реал хаётий имкониятидир.

Гелен таълимотининг асосий тезиси бу инсонни биологик тулик булмаган мавжудот сифатида талкин килишдир. Чунки инсон узининг хайвоний-биологик тузилишида инстинктлар билан куролланмаган, «якунланмаган»,

«мустахкамланмаган» дир. Биологик чала-яримлик инсон мавжудлигини, унинг дунёга очикилигини аниклаб беради. Хайвонот олами муайян мухитга, уз худудига катъий боглангандир. Инсон булса муайян мухта муким boglanmag'an, унда мослашиш кобилияти бор, у узгарувчандир. Биологик чала яримлик ва очиклик инсон дунёсининг, инсон борлигининг асосий, аникловчи хусусиятларидан бирини ташкил килади. Хайвонот дунёсидан, ажралиб колиб инсон, ўз тақдирини узи хал киладиган булди. Узини саклаб колиш учун у янги шарт-шароитларни, мухитни, уз хаёти учун зарур булган омилларни яратишга мажбур булади. Жумладан, узини хам узгартириб. узи яратган сунъий мухитда истикомат килади. Шундай килиб, биологик жихатдан мослашмаган «чала ярим» инсоннинг фаол мавжудот эканлигини Гелен уз тезиси оркали асослаб берди.

Шундай килиб, Геленнинг антропология таълимогига биноан, табиат инсонни «инсоний» килиб яратди, унга хайвоний инстинктларни бермади. Бу ерда Гелен инсонга факат бир ёклама ёндашибди Гелен уз гаълимотини эмпиризмга асосланган таълимот, деб атайди уз таткикотларидан умумий фан, назариясига оид хulosалар чикармайди, У купгина ходисаларни урганади, муносабатларни очиб беришга харакат килади.

Ахлокий таълимотида Гелен куйидаги тамойилдан келиб чикади: «инсонда бир-бири билан boglanmag'an, фарқ киладиган инстинктга ухшаш импульслар бор улар ижтимоий узини тутиш пружинасига ухшайди. Ана шулар ижтимоий бошкаришнинг ва этиканинг эмпирик предметини ташкил килади. Ижтимоий хулк-атвор йуналишини тувма импульс сифатида берилган йирткичлик, боскинчилик инстинкти аниклайди. Боскинчилик энергияси турли хулк-атвор шаклларига утгиб кетади.

Турли шаклдаги хулк-атворнинг илдиз отганлиги хамда унга монанд урф-одатларнинг ва ижтимоий тузилмаларнинг инсон борлигидаги инстинктив холати инсонга тувма холда бошкаларнинг манфаатини уйлаб харакат килиш учун берилгандир, дейди Гелен. Узаро муносабат, Гелен фикрича, катта ахамиятга эгадир. Шунингдек, бундай муносабат инсон фаолиятининг асосий табиатини ташкил килади. Ахлокий ва хукукий нормаларни инстинктив-хаётий келиб чикканлиги хамда инсон хулк-атворини бошкариш, Гелен фикрича, «табиий хукук» билан асосланади ва хулк-атворнинг «тугма», «табиий» шаклларига бориб такалади. Тузилган шартноманинг коидаларга амал килиш, узгани узи билан тенг куриш, хукук олдидаги барчанинг тенглиги каби тарихий шаклланган «табиий хукуклар» Гелен томонидан инсоний муносабатлардаги тугма инстинктив одатларнинг идеал тарзда намоён булишидир. Ана шундай

мажбурият инсондаги инстинктив номукаммалликни тулдиради. Ижтимоий муносабатларнинг бошка шакллари хам шундай тарзда тушунтирилади. Демак, бундай узаро муносабат тамойилларига амал килиш инсон муносабатлари тизими ning мутаносиблигини, teng хукук игини бир мезонда ушлаб туради. Жиноят хукукининг тасдикланиши, келтирилган зарарни коплаш, узаро маҳсулот алмашиш шартлари, касос олиш одати, никох ва оила муносабатлари, диний одатлар, удумлар. байрамлар буларнинг ҳаммаси, Гелен фикрича, узаро муносабат инстинктларининг институтлашган куринишлариdir.

Гелен маданий-тариҳий хаётнинг муассасавий шаклини хам инсон хаётий фаолиятининг антропобиологик асоси билан бөглайди. У маданий тариҳий асослашда оила, хусусий мулк, бошкарув, ҳарбий иш муассасаларининг таъсирини инкор килмайди. Бу муассасалар, унинг фикрича, «ишлаб чикарувчи корхоналар» ролини уйнайди. Улар инсон хаётида зарур вазифаларни бажаради, уларсиз инсон хаёт кечира олмайди, яъни бу муассасалар купайиш. бокиши, ҳавф-хатардан химоя килиш ҳамда тартибга солиш, инсонлар уртасидаги узок муддатли муносабатларни таъминлаш каби вазифаларни бажаради. Демак, бундай тузилмалар инсонларнинг хаётини бир маромда муҳофаза килиб туради, инсон табиатига хос булган чалаликни, химоясизликни бартараф этади.

Шундай килиб, Гелен фалсафий антропологиясида инсониятнинг маданий, маънавий-ахлоқий имкониятлари тан олинмайди. Инсон уз ҳаракатида фактат хаётий инстинктларга амал килган холда яшайди. Умуман, инсон фактат биологик мавжудотдир, деб Гелен бир томонлама талкин килди. Унинг руҳий имкониятлари, иродаси, калби каби хилкатлари аҳамиятини етарли даражада баҳоламай, инстинкт табиатига буйсундириб куя колди.

REFERENCES

1. Гелен А. О систематике антропологии // Проблема человека в Западной философии -М.Прогресс, 1988
2. Г.Т.Кобулниязова Фалсафий антропология Дарслик. -Т.: Маърифат 2023
3. Юлдашева Л.С, & Каландаров Т. П. (2023). Цивилизация И Культура. *Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities*, 19, 17–19. Retrieved from <https://periodica.org/index.php/journal/article/view/574>
4. Учения Абдухолика Гиждувани о совершенстве человека: философский анализ. *Журнал фармацевтических отрицательных результатов*, декабрь 2022 г., стр. 8626-8, <https://doi.org/10.47750/pnr.2022.13.S09.1013>.

5. Yuldasheva, Lola Sadullaevna. "SPIRIT AS A NATURAL FORCE IN BERUNI'S VIEWS" Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, vol. 4, no. 4, 2024, pp. 199-203.